

UDK: 347.9 (042)(575.1)  
ORCID: 0000-0002-0774-6661

## ФУҚАРОЛИК СУДИ ИШЛАРИ ЮРИТИШНИ РАҚАМЛАШТИРИШГА ҚИСҚАЧА ТАВСИФ

**Пирматов Отабек Шавкатович,**  
Тошкент давлат юридик университети  
“Фуқаролик процессуал ва иқтисодий  
процессуал ҳуқуқи” кафедраси доценти в.б.  
ю.ф.ф.д. (PhD),  
e-mail: pirmatov.otabek.89@inbox.ru

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда фуқаролик суди ишларини юритишга рақамли технологияларни жорий этиш истиқболлари кўриб чиқилди. Шунингдек, хорижий мамлакатларнинг фуқаролик суди ишларини юритиш рақамлаштириш тажрибаси таҳлил қилинди, суд ишларини юритиш рақамлаштиришнинг афзалликлари ўрганилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда умумюрисдикция судлари “Е-XSUD” ахборот тизими орқали электрон ресурслардан фаол фойдаланмоқда. “Е-XSUD” ахборот тизими судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни таъминлайдиган тизимлар мажмуаси ҳисобланади. Фуқаролик суди ишларини юритиш рақамлаштириш суд процесси иштирокчиларига қулайлик яратиш, яъни вақтни тежаш, ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш (почта алоқаси, саёҳат ва турар жой ҳамда бошқалар) учун мўлжалланган. Шу билан бирга, фуқаролик суди ишларини юритиш рақамлаштириш одил судловни таъминлаш, ишни кўриб чиқиш муддатини тезлаштириш ва суд ҳужжатлари сифатини ошириш, суд мажлисларини онлайн ўтказиш воситасидир. Мазкур мақолада амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, бажарилаётган дастур ва лойиҳалар асосида Ўзбекистонда замонавий рақамли одил судловни амалга ошириш имконияти ва яқин келажакда қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** рақамлаштириш, блокчейн, онлайн, фуқаролик суди ишлари, интернет, платформа, пандемия.

### КРАТКИЙ ОБЗОР ПРОЦЕССА ЦИФРОВИЗАЦИИ В ГРАЖДАНСКОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

**Пирматов Отабек Шавкатович,**  
доктор философии по юридическим наукам (PhD),  
и.о. доцента кафедры “Гражданское процессуальное  
и экономическое процессуальное право”  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В статье рассматриваются перспективы внедрения цифровых технологий в гражданское судопроизводство в Республике Узбекистан. В статье также анализируется опыт зарубежных стран по цифровизации гражданского судопроизводства, исследуются преимущества цифровизации судебного процесса. Сегодня суды общей юрисдикции Республики Узбекистан активно используют электронные ресурсы через информационную систему Е-XSUD. Информационная система Е-XSUD – это набор систем, предоставляющих информацию о деятельности судов. Цифровизация гражданского судопроизводства призвана облегчить участникам судебного процесса: сэкономить время, сократить расходы, связанные с рассмотрением дел (почтовая

связь, проезд, проживание и т. д.). В то же время цифровизация гражданского судопроизводства послужит средством обеспечения правосудия, ускорения рассмотрения гражданских дел и повышения качества судебных актов. Цифровизация гражданского судопроизводства является одной из мер предотвращения угроз здоровью населения в условиях пандемии. В данной статье описываются возможности современного цифрового правосудия в Республике Узбекистан на основе действующего законодательства, а также текущие программы и проекты, действия, которые необходимо предпринять в ближайшем будущем.

**Ключевые слова:** цифровизация, блокчейн, онлайн, гражданского судопроизводства, интернет, платформа, пандемия.

## A BRIEF OVERVIEW OF THE DIGITALIZATION PROCESS IN CIVIL PROCEEDINGS

**Pirmatov Otabek Shavkatovich,**

Doctor of Philosophy in Law,

Acting Assistant Professor of the Department Civil Procedural and Economic Procedural Law, Tashkent State University of Law

**Abstract.** The article discusses the prospects for the introduction of digital technologies in civil proceedings in the Republic of Uzbekistan. The article also analyzes the experience of foreign countries in the digitalization of civil proceedings, examines the advantages of digitalization of the judicial process. Today, the courts of general jurisdiction of the Republic of Uzbekistan actively use electronic resources through the E-XSUD information system. The E-XSUD information system is a set of systems providing information on the activities of courts. The digitalization of civil proceedings is designed to make it easier for the participants in the litigation: to save time, to reduce the costs associated with the consideration of cases (postal services, travel, accommodation, etc.). At the same time, the digitalization of civil proceedings will serve as a means of ensuring justice, speeding up the consideration of civil cases and improving the quality of judicial acts. The digitalization of civil justice is one of the measures to prevent threats to public health in a pandemic. This article describes the possibilities of modern digital justice in the Republic of Uzbekistan based on current legislation, as well as current programs and projects, as well as actions that need to be taken in the near future.

**Keywords:** digitalization, blockchain, online, civil proceedings, internet, platform, pandemic.

### Кириш

Пандемия шароитида одил судловни таъминлаш, фуқароларимизнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали тиклаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Суд ишларини юритишни рақамлаштириш пандемия ва шунга ўхшаш шароитларда судлар фаолияти давомийлигининг кафолати сифатида кўрилмоқда. Президентнинг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони доирасида мамлакатимизда барча ижтимоий, маданий, сиёсий соҳаларга рақамлаштиришни кенг жорий этиш назарда тутилмоқда.

Дунёда “рақамлаштириш” ибораси 1995 йилда Жозеф Бауер ва Клейтон Кристенсен томонидан муомалага киритилган. Профессор Ричард Сусскинд томонидан рақамлаштириш ибораси юридик соҳада илк бора ишлатилган [1, 93-б.]. У “Онлайн судлар ва адолатнинг келажаги” китобида суд ишларини юритишни рақамлаштиришга тўхталиб ўтган. Р. Сусскинд суд ишларини рақамлаштиришни икки хил кўринишда таҳлил қилади. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг ҳуқуқий соҳага татбиқ этилиши қонунчиликда ахборот технологияларига оид ибораларни қўллаш заруратини вужудга келтирмоқда. Шу боис, АКТга оид атамалар

юримдик соҳада, хусусан, фуқаролик процессуал ҳуқуқида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Профессорлар Жаннет Уолкер ва Гарри Уотсон фикрича, технологик ўзгаришлар фуқаролик суд ишларининг ҳар бир жиҳатига таъсир кўрсатди. Хусусан, масофадан туриб ариза бериш, суд ҳужжатлари ва суддан хабарномалар юбориш, тарафлар билан ҳужжатлар алмашиш ва суд жараёнини ўтказиш имконини беради [2, 256-б.]. Шу сабабли дунёнинг ривожланган давлатларида фуқаролик суд ишларига рақамли технологиялар жорий этилмоқда.

Нидерландиялик ҳуқуқшунос олим ва судья Дори Рейлингнинг таъкидлашича, судларни рақамлаштириш одил судловга эришиш имкониятини яхшилайдими ёки йўқми, деган савол одил судловнинг долзарб мавзуларидан бири. У рақамли суд платформаси бўлган “eKanton” да бир қатор камчиликлар мавжудлиги, хусусан, катта ҳажмдаги суд тўловлари, гувоҳларнинг тинглаш ва апелляция бериш имконияти йўқлигини аниқлади. Аммо бу платформанинг ишга туширилиши Нидерландиянинг рақамли судга ўтиши сари улкан қадамлардан бири бўлди [3, 4-б.].

Ўзбекистон Олий судининг электрон суд платформаси ҳам ишга туширилган. “Е-XSUD” ахборот тизими орқали электрон ресурслардан фаол фойдаланилмоқда. “Е-XSUD” ахборот тизими судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни таъминлайдиган тизимлар мажмуаси ҳисобланади.

Рус ҳуқуқшуноси М.Н. Кузнецовнинг фикрича, рақамли суд ишлари суд ишларини кўриб чиқишнинг сифат жиҳатидан янги даражасидир [4, 64-б.].

С. Гюранез ва Б. Крауз рақамли судлар турли кўринишларга эга бўлиши ва улар турли шаклларда ташкил этилиши мумкинлигини айтади. Венгриянинг рақамли судлари тарафларга ўз ҳужжатларини электрон шаклда топшириш ва суд билан тарафлар ўртасида ўзаро мулоқот қилиш имконини берадиган электрон плат-

формаларни тақдим қилади. Шунингдек, рақамли судлар томонидан тарафларга суд мажлиси тўғрисида электрон хабар бериш тизимини яратади. Судларни рақамлаштиришнинг энг катта ютуқларидан бири судга электрон мурожаат қилиш тизими бўлиб, у суд ишларида ҳар қандай жойда онлайн равишда иштирок этиш имкониятини беради [5, 3-б.].

Ҳенрит Накед, Абдул Бадиҳ Салим, Ден Ҳерикнинг таъкидича, рақамли судьяни “Нидерландиянинг энг объектив судьяси” деб ҳисоблаш мумкин. Чунки рақамли судья холис бўлиб, у қариндошчилик ва яқин муносабатлар, нотўғри ҳамдардлик, ҳайрат каби ҳиссиётларга таянмасдан қарор қабул қилади. Шунингдек, рақамли суд муайян ҳисоб-китоблар асосида ишлайди. Дастурий таъминот шундай тузилганки, инсон омилисиз, хавфсиз ишлайди [6].

Албатта, техника ҳамда электроника инсонга хос ҳиссиётлардан холи бўлишининг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд, бироқ унинг ижобий жиҳатлари салбий жиҳатларидан кўпроқ. Бу жиҳат одил судловни коррупциядан озод қилишга замин яратади.

Майкл Ҳензнинг фикрича, электрон суд заллари ва электрон аризалар нафақат тарафлар учун молиявий имкониятлардан бири, балки адвокатлар учун кенг имкониятлар манбаи ҳамдир [7, 579-б.].

“Synerdocs” лойиҳаси бизнес таҳлилчиси, россиялик Татьяна Жигалова судларни рақамлаштиришнинг қуйидаги зарурати мавжудлигини ёзади:

- электрон тижорат ҳажми ўсиб бориши, Россия товарлари, ишлар ва хизматларининг минтақалараро ва халқаро таъминоти кенгайиб бориши;
- шахсий мулкӣ ва номулкий ҳуқуқларни тез ва сифатли ҳимоя қилиш зарурати;
- муайян ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг турли ҳудудларда жойлашгани ёки бир-биридан анча узоқдалиги;
- тарафларнинг мунтазам равишда алоқада бўлиш зарурати (шу жумладан,

уларнинг суддаги фаолияти ва уларга нисбатан қонуний даъво аризаларидан нусха олиш);

– электрон имзо ёрдамида шахсни ва юридик шахсни аниқлаш имконияти мавжудлиги;

– ҳужжатларни электрон шаклда топшириш имконияти борлиги [8].

### **Материал ва методлар**

Мақолада умумлаштириш, дедукция, тизимли ёндошув, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил методларидан фойдаланилган.

### **Тадқиқот натижалари**

Бизнинг прогнозларимизга кўра, мамлакатда рақамли одил судловни ривожлантириш ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари учун электрон воситалар (мобил иловалар, ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича интернет хизматлари) сони кўпайиши билан кучайиши мумкин. Аввало, бу жуда муҳим. COVID-19 мавжуд судларнинг пандемия ва бошқа фавқулудда ҳолатларда ишлай олмаслигини кўрсатди. COVID-19 натижасида суд мажлисларини кейинга қолдириш масаласи бутун дунё судларида кузатилди.

Фуқаролик суд ишларини юритишни рақамлаштириш онлайн даъво аризасидан тортиб, суд қарорини онлайн эълон қилишга қадар бўлган процессуал ҳаракатларни ўз ичига олади.

Дунёнинг илғор давлатларида суд ишларини рақамлаштириш ва рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш жадаллашиб бормоқда.

Ижтимоий ҳаётга замонавий технологияларни кенг татбиқ этишда Бирлашган Араб Амирликлари дунё етакчиларидан бири, десак муболаға бўлмайди.

Бу мамлакатда фуқаролик судларига рақамли технологияларни татбиқ этиш бўйича 2017 йилда 10-федерал қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга асосан, БААнинг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур ўзгартиш билан БАА фуқаролик судларида

масофавий алоқа технологияларидан фойдаланиш белгиланди.

Унга кўра, фуқаролик суд ишларида масофавий алоқа технологиялари қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

– тарафлар фуқаролик суд ишларида визуал ва аудио алоқа усулларида фойдаланиши;

– масофавий алоқа технологиясидан фойдаланган ҳолда ҳужжатлар алмашиш (шу жумладан, даъво аризасини рўйхатдан ўтказиш);

– хабарномалар бериш, суднинг қарорларини ижро этиш;

– суд божларини тўлаш, суд мажлислари учун рўйхатдан ўтиш;

– гувоҳларни тинглаш, тарафларни сўроқ қилиш, суд муҳокамасини онлайн ўтказиш.

Тарафлар суд муҳокамаларида масофавий алоқа технологиясидан қисман ёки тўлиқ фойдаланган ҳолда иштирок этиши мумкин.

Шунингдек, БАА фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, тарафларнинг илтимосига асосан, судья фуқаролик суд ишининг исталган босқичида фуқаролик ишида масофадан туриб иштирок этишга рухсат бериши мумкин [9].

2021 йилдан бошлаб БААда барча фуқаролик судлари онлайн иш тартибига ўтиши белгилаб берилган [10].

Туркияда 2006 йилдан буён рақамли технологияларга асосланган Миллий суд ахборот тизими (Ulusal Yargı Ağı Bilişim Sistemi, UYAP) фаолият юритмоқда.

2011 йилда суджараёнларини масофадан туриб амалга оширишни таъминлайдиган Аудиовизуал ахборот технологиялари тизими (Ses ve Görüntü Bilişim Sistemi, SEGBİS) деб номланган видеоконферецалоқа тизими жорий этилган, аммо “SEGBİS”дан фақат жиний судларда фойданилмоқда.

Адлия вазирлигининг 2019 йилда қабул қилинган Суд-ҳуқуқ тизимини 2019-2023 йилларда ислоҳ қилиш стратегияси-



да “SEGBIS” дан фуқаролик ишлари бўйича судларда фойдаланилиши белгилаб берилган [11, 67-6.].

Хитой Халқ Республикасининг Фуқаролик процессуал қонунига асосан, гувоҳлар судда шахсан кўрсатма беришлари шарт.

Аммо касаллик, табиий офат ва бошқа форс-мажор ҳолатларда суднинг рухсати билан гувоҳ видеоконференцалоқа орқали гувоҳлик бериши мумкин [12, 73-6.].

Японияда 2019 йил июнь ойидан бошлаб фуқаролик ишлари бўйича судлар Microsoft Teams видеоконференцалоқа режимидан фойдаланган ҳолда фуқаролик ишларини масофавий кўриш тартиби жорий этилиши белгиланган бўлиб, 2020 йил февраль ойидан Японияда фуқаролик ишлари бўйича судларда тарафлар масофавий тарзда суд муҳокамаларида иштирок этиб келмоқдалар [13].

Португалия Фуқаролик процессуал кодексининг 502-моддасига асосан, суд муҳокамасида тарафлар шахсан иштирок этиши ҳамда далилларни тақдим қилиши, кўрсатмалар бериши лозим. Бироқ тарафлардан бири денгиз орти туманларида жойлашган бўлса, тарафлар реал вақтдаги суд мажлисларида видео ва аудиовоситалар орқали (видеоконференцалоқа режими) иштирок этишлари мумкин [14].

Эстония судларни рақамлаштириш бўйича жаҳон кашшофларидан бири ҳисобланади. Фуқаролик ишлари бўйича судларда даъво аризаларни онлайн тарзда тақдим этишга имкон берувчи дастурий таъминот 2005 йилда йўлга қўйилган.

Бугунги кунда Эстония Европада суд ишларини юритишни энг тез рақамлаштираётган давлат саналади.

Эстония суд жараёнларини рақамлаштириш орқали онлайн суд мажлисларини ўтказиш имконига эга бўлди.

Эстонияда суд ишларини рақамлаштириш “E-File” марказий ахборот тизимига асосланган.

“E-File” тарафларга суд ишларида тўлиқ рақамлаштирилган форматда иштирок этиш имконини беради [15].

Қозоғистонда ҳам суд процесслари рақамли форматга босқичма-босқич ўтказилмоқда. Модернизациянинг биринчи босқичида электрон форматдаги ишларни шакллантиришга ўтиш вазифаси қўйилди. 2017 йил 17 июлдан бошлаб республиканинг барча судларида аризаларни электрон шаклда кўриб чиқиш жорий этилди.

Олий суд раисининг 2018 йил 6 мартдаги буйруғига асосан, Қозоғистонда даъво аризасини топширишдан тортиб суд қарори ижро этилишигача бўлган иш юртишни рақамлаштириш кўзда тутилган. Электрон шаклда кўриб чиқилган ишлар бўйича прокурорнинг апелляция протести ёки апелляция шикояти ҳам апелляция инстанциясида онлайн тарзда кўриб чиқилиши керак. Биринчи инстанция суди ишлари “Төрелік” ахборот платформасида амалга оширилмоқда.

Қозоғистонда биринчи инстанция ва апелляция судлари қарорлари (мажлис ўтказилиш шаклидан қатъи назар) қоғозга чоп этилган ҳолда сақланиши лозим. Бундан ташқари, ишлар суд мажлисига тарафларнинг чақирилиши ҳам процессуал қонунчилик тартибида чақирув қоғозига асосан кўрилади. Шунга қарамай, келгусида Қозоғистонда фуқаролик суд ишларини рақамлаштириш режасига мувофиқ, яқин келажакда суд ишларининг ушбу қисмлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилади.

“Төрелік” платформаси орқали қабул қилинган суд қарорлари электрон тизимга жойлаштирилади ва суд ҳужжатлари судьянинг электрон имзоси билан тасдиқланади.

“Төрелік” электрон платформаси ўзига юклатилган функцияларни аниқ бажариши ва ишончлилигини исботлади ҳамда судьялар ва суд процесси иштирокчиларининг ишини осонлаштиришга хизмат қилмоқда [16].

Фуқаролик суд ишларини юритишни рақамлаштириш жуда катта имкониятлар очади. У максимал даражада хавфсизлик ва ошкораликни таъминлайди, суд тизими мутахассислари зиммасидаги иш юкламасини камайтиради, қоғозли архивлар сонини қисқартиради, фуқароларнинг вақти ва маблағини тежаш имконини беради, фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини оширади.

Мамлакатимизда ҳам фуқаролик суд ишларига замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилмоқда.

#### *Онлайн хизмат:*

онлайн хизмат рақамли суд ишининг энг муҳим қисмидир. Бу вақт самарадорлигини, ишончилиликни оширади ва ортиқча харажатларнинг олдини олади.

*Суд харажатларини электрон тарзда тўлаш:*

рақамли судларда тўловларни онлайн тарзда тўлаш имкони яратилади. Греция фуқаролик судининг электрон платформа-ларда давлат божларини тўлаш имконини берадиган функциялар мавжуд. Яна бир муҳим элемент – бу суд ходимлари ва судьялар учун ишни бошқариш тизимидир.

#### *Электрон менежмент:*

ишларнинг автоматик равишда тайинланишини таклиф қилади; Бу шаффофлик ва мустақиллик учун жуда муҳимдир. Ишларни бошқариш тизими электрон аризалар билан ўзаро боғлиқ бўлиши ва рухсат бериши керак.

#### *Электрон идентификатор:*

бу платформанинг асосий элементи бўлиб, онлайн судга кириш ва унинг хизматларидан фойдаланиш, суд тўловини тўлашдан тортиб суд мажлисларида иштирок этишни таъминлайдиган хавфсиз рақамли навигациясиладир.

Пандемия шароитида суд мажлисларини масофадан туриб ўтказишдан бошқа муқобил қолмади. Суд жараёнини узоқ муддат тўхтатиб туриш мумкин бўлмагани сабабли судлар бор мавжуд имкониятлардан

фойдаланиши керак бўлди. Шунинг учун пандемия билан боғлиқ чекловлар тўлиқ олиб ташлангандан кейингина онлайн суд жараёнлари истиқболда қанчалик барқарорлик касб этишига қараб бу мажбурий ўтишнинг нечоғли муваффақиятли бўлгани ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Пандемия даврида бутун дунёда суд мажлисларининг барчаси онлайн тарзда ўтказишга эришилмади. Бунинг сабаблари сифатида тўлақонли масофавий формат учун техник имкониятларнинг етарли бўлмагани, шунингдек, суд процесси иштирокчилари, жумладан, судьяларда техник воситалардан фойдаланиш бўйича етарли кўникма ва малакалар етишмаслигини айтиб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистонда “e-sud”дан фойдаланиш имконияти яратилганига қарамай, бу йўналишда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар ва истиқболлар мавжуд. Фуқаролик суд ишларини юритишни рақамлаштириш, шубҳасиз, одил судловга бўлган ишонч ошишига олиб келади.

Суд ишларини рақамлаштириш:

- “ақлли излаш” тизими орқали муайян воқеа ёки мавзу бўйича фуқаролик суд ҳужжатларини топишга имкон беради;
- сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда судлар томонидан айрим тоифадаги ишларга оид қарор қабул қилиниши имкониятини яратади;
- фуқароларга электрон суд хизматларидан фойдаланиш имкониятини тақдим этади;
- фуқаролик суд ишларини юритиш билан боғлиқ маълумотларни максимал ҳимоя қилиш имконияти вужудга келади;
- фуқаролик суд ишлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва уларга электрон форматда киришни соддалашади;
- электрон суд ишларини юритиш имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш ва фуқароларда уларга оид тushunchalar пайдо бўлишига имкон яратади;

– суд мажлисларини онлайн ўтказишга им-  
кон берадиган махсус платформа яратилади;  
– фуқаролик суд ишларини юритишга  
оид мобил иловалар яратиш заруратини  
пайдо қилади.

Фуқаролик суд ишларини юритиш-  
ни рақамлаштиришда нафақат юрист-  
лар, балки техник мутахассислар, му-  
ҳандисларнинг ҳам иштироки лозим  
бўлади.

## REFERENCES

1. Richard S. The End of Lawyers? Rethinking the Nature of Legal Services, Oxford, Oxford University Press, 2010, 93 p.
2. Janet W., Garry D.W. New Trends in Procedural Law: New Technologies and the Civil Litigation Process. Osgoode Hall Law School of York University Osgoode Digital Commons, 2008, 256 p.
3. Dory R. Beyond Court Digitalization With Online Dispute Resolution/ International Journal For Court Administration, 2017, May, p. 4.
4. Kuznecov M.N. Vliyanie cifrovizacii na nekotorye rukovodyashchie nachala grazhdanskogo sudoproizvodstva [The impact of digitalization on some leading principles of civil proceedings]. Vestnik MGPU, seriya «Yuridicheskie nauki» – Bulletin of the Moscow City Pedagogical University, 2020, pp. 64-65.
5. Franciska Z. G., Bernadett K.D. The AI is now in session. The impact of digitalization on courts. EJTN Themis Semi-Final D – Judicial Ethics and Professional Conduct, 2019, 3 p.
6. Kayahan C. Virtual Civil Trials. The Law Library of Congress, Global Legal Research Directorate. 2020, 67 p.
7. Henriette N., Den H., Abdel-Badeeh M.S. Digitally Produced Judgements in Modern Court Proceedings. Available at: <https://www.researchgate.net/publication/307626256/>.
8. Heintz M. The Digital Divide and Cour The Digital Divide and Courtroom Technology: Can Da echnology: Can David Keep Up With Goliath? Federal Communications Law Journal, 2020, vol. 54, iss. 3, Article 8, 579 p.
9. Ismail E., Amir M. ADJD Announces First Remote Litigation Hearings Using Video-Conferencing Technology, Emirates News Agency, 2020, Mar. 3. Available at: <https://perma.cc/4J9R-A2EL/>.
10. Perma.cc is developed and maintained by the Harvard Law School Library in conjunction with university law libraries across the country and other organizations in the “forever” business. Available at: <https://perma.cc/F4JT-FGHT/>.
11. Perma.cc. Available at: <https://perma.cc/2J3J-5QKY>
12. We have built a digital society and we can show you how. Available at: <https://www.e-Estonia.com/>.
13. Aksanatgroup. Available at: <https://aksanatgroup.com/news/317/>.
14. Perma.cc. Available at: <https://perma.cc/BJ23-K23M/>.